Тошкандда бундан тўрт сана мукаддам очилмиш бир мусулмон «Жамияти хайрия» вор. Бу жамият бошида ёшларнинг саъй ва ижтиходи ила очилган бўлса хам, баъзи сабаблара мубанний Тошканд агниёларина топширилмиш ва шул замонгача ёшлардан факат бир-икки кишининг тахрик ва иштирокила бойлар тарафидан идора килинмокда эди.

Жамият агниёи киром кўлларида ўз шаънига муносиб зўр ишлай олмаган бўлса хам, моддий жихатдан хийли кувватланди. Етти минг сўмдан зиёда сармояга молик бўлди. Хар йили икки-уч мартаба умумий мажлис ва ўн-ўн икки мартаба идора мажлислари ясаб, аъзолардан пул йигди. Ариза бериб, иона сўровчи беш-ўн (нафар) факир ва ожизлара ёрдам бериб турди.

Агниёи киром жамиятдан ўз ёрдам ва ионаларин дариг тутмадилар. Бунинг исботи учун Тошканд агниёларидан хурматлук Орифхўжа эшон жанобларини ўтган йил жамиятга бирдан минг сўм иона берганларин ва шахарнинг ўртасидан бир ховлиларини «Дорул ожизин» учун инъом килганларин зикр этмак кофи ўлса керак.

Лекин олти-етти милён мусулмонли Туркистоннинг маркази ўлан Тошкандда очилмиш бир мусулмон жамиятининг жузъий (майда) ишлар илангина каноат этуб турмогидан Тошканд ёшлари хар вакт сикиладурлар ва санавий хисобнома ва сарфномаларини газеталарда ёзуб, нашр этмакдан уйолурлар эди, биноаналайх, Тошканд жамияти халк хам хукумат номинда бутунлай эътибордан тушмиш ва ўлмакка махкум, огир бир хасталикка дучор ўлмиш каби эди.

Жамиятнинг эски обрўсин кайтармак ва уйкудан уйгатмак учун бирдан-бир чора идора ишларини бутунлай ёшлар кўлина бермак, лоакал идора аъзоларининг аксарини ёшлардан сайламак фикри такрор-такрор талкин ўлинса хам, бунга эътибор этувчи оз эди, балки «Жамият ёшлар кўлина берилса, йигилган пулларни сарф килиб тамом килурлар, ўзлари пул йиголмай, шунинг ила жамият бепул бўлиб ёпилур», дейучилар кўпроктопилур эди. Ёшлар эса жамиятдан хамон умид узмийлар, энг огир ишларни ишлийлар ва хар йили бир-икки мартаба кўзгатиб, умумий мажлислар ва сайловлар килиб ва ўзларидан кўпрок киши ўткармакка мулойимона харакатларда бўлиналар эди, лекин келажакда агниёларнинг иона ва химматлари жамият учун биринчи даражада лозим ўлдигини эътиборга олиб, онларга каршу жиддий харакатлардан мумкин кадар сакланар эдилар.

Ёшларнинг бу совукконлик ва сабрликлари бу сана яхши натижалар берди. Бойларнинг ўзлари иттифок килиб, ўз ораларидан факат бир раис ва машварат аъзоси вериб, бошка аъзоларнинг барчасин ёшлардан сайладилар, ёшлар хар ишда бойлар ила машварат килиб турмакни, бойлар хам хар вакт кўлларидан келган ёрдам ва ионаларини дариг тутмасликни бир-бирларина ваъда килишиб, кўлга-кўл беришиб, иттифок ила ишга тутиндилар.

Бу иттифокнинг натижаси ўлса керакки, Тошканд жамияти бу йил бутунлай бошка тусга кирди. Уйкудан уйгониб, кўзларин укалаб, атрофга назар сола бошлади. Конунида зикр этилган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ килди, бошлаб бир неча йилдан бери карор берилубда очилмай ётган «Дорул ожизин»ни расман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик ионалар вермакда ва олтмиш кадар факир ва кашшок болаларни турли мактабларда ўкитуб тарбия килиб турмакдадир.

Жамиятнинг янги аъзолари бундай сарф илагина каноатланмади, балки молия жихатини кутламак учун аъзоларнинг йилда берадургон олти шар сўм садакалари кифоя килмаслигини билиб, пул топмакка хам янги йўллар излади, бошлаб «Грамофун общество»сила сўйлашиб, хар бир пластинкадан ўн тийин олмок шартила бир неча хофизларни ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг тову-шин сотди, бундан факат шу йил ичиндагина лоакал икки минг сўм кирса керакдур.

Учинчи йўлда шахар богининг ёзлик театрусида бир мартаба испектакл кўйиб, олти юз сўмга якин фойда килди. Бунинг устига, ушбу августнинг 8-куни рамазон муносабатила Шайх Хованди Тахур богида бир мартаба «Томоша кечаси» ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тарика бўлди:

Сотилган билетлардан 1387 сўм 54 тийин.

Чойхонадан дохил 59 сўм 42 тийин.

Жаъми даромад 1446 сўм 96 тийин.

Масорифи билет маркаси 126 сўм 14 тийин.

Бошка масорифлар 233 сўм 65 тийин.

Жаъми масориф 359 сўм 79 тийин.

Жамиятга колган хос фойда 1087 сўм 17 тийин.

Мусулмонлар тарафиндан биринчи мартаба ясалган ушбу томоша кечасиндан бунча фойда ўз-ўзидан чикмади, балки бунинг учун Тошканд ёшларининг кўп гайрат ва ижтиходлари хам чарчамай ва хеч кимнинг шикоят ва хакоратига кулок солмай килган саъй ва харакатлари ўлди.

Бу томошалар жамиятга факат моддий жихатдангина фойда келтуруб колмай, балки маънавий жихатдан хам кўп фойдалар келтурди.

Тошканд жамиятининг исмини унутган ёки хеч бир жамият деган сўзни эшитмаган Тошканд мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яхудий ва арманилар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмак мусулмонларга хам мумкин эканлиги очик билинди, бу эса Тошканд мусулмонларининг хийли рухлари кўтарилмогига ва жамиятга мухаббат ила карамокларига сабаб ўлди, шул сабабли ушбу томошаларни бошкарган ёшларга ва буларга ёрдам бериб турган шахар политсиямейстрина жамият аъзоси чин кўнгулдан ташаккур этадур ва келажакда яна шундай хизматларда бўлиниб, халк ва жамиятга фойда еткуродургон ёш йигитларимизнинг амсолларин кўпайтирмакни жаноби Хакдин истидоъ киладур.

Жамият раиси муовини: *Мунаввар кори*

*«Самарканд» газетаси, 1913 йил, 20—23 август.*